
ХУШХАБАР! РЕЖА ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

Азиз бағдодликлар (https://t.me/bagdodim_news), сизларга хушхабар улашмоқчимиз.

Туманимизда қувончли натижа – туманимиз пахтакорлари, фидоий фермерлари ва миришкор бободехқонларининг вилоятимизда илғорлар қаторида пахта тайёрлаш шартномавий режасини ортиғи билан бажарганликларини мамнуният билан маълум қилмоқчимиз.

Бугун бир неча ойлик меҳнатлар маҳсули сифатида олдимизга қўйилган вазифа – 16600 тоннали “оқ олтин” хирмони яратиш вазифаси уддаланди.

Мавсум давомидаги об-ҳавонинг инжиқликларига қарамасдан, 165 та фермер хўжалиги 4550 гектар майдонда жавлон уриб, режани ортиғи билан бажаришди.

Туман Сектор раҳбарларига, вилоят ИИБ раҳбариятига ва "FERGHANA-SPINNING" MChJ пахта-тўқимачилик кластери раҳбариятига алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

Азиз пахтакорлар, фидоий фермерлар ва миришкор бободехқонлар! Мўл ҳосил олиш йўлида кўрсатган жасоратингиз чинакам мардликдир.

Барчангизни яна бир бор ушбу муваффақият билан чин қалбимиздан самимий табриклаймыз.
2024-11-12 13:08:53